



## ТОШКЕНТ – УЛКАН БУНЁДКОРЛИК, ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Тошкент шаҳридаги янги инфратузилма иншоотлари ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан танишди.



Сўнги йилларда пойтахтимиз ҳам аҳоли, ҳам ҳудуд жиҳатидан ўсмоқда. Муҳандислик тармоқлари қуввати шунга мутаносиб тарзда ошириб борилмоқда.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманида, “Пахтакор” стадиони яқинида янги подстанция қурилди. Лойиҳа доирасида “Тракторсоз” подстанциясида 19 километрдан зиёд кабел тортилиб, 2 та трансформатор ўрнатилди. У келгуси ойда ишга туширилади. Бунинг натижасида пойтахтимиз марказида кафолатланган 130 мегаватт қўшимча электр энергияси ҳосил бўлади. Шаҳардаги бошқа подстанцияларга юклама камайиб, авариявий ҳолатлар эҳтимоли 60 фоизга қисқаради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкент шаҳри электр таъминоти тизимидаги қурилиш ва модернизация ишларига оид тақдимот билан танишди. Яна бешта подстанция қурилаётгани ва тўрттаси янгиланаётгани, уларда жами 850 мегаватт қўшимча қувват яратилиши қайд этилди.

Мамлакатимиздаги ўзгаришлар бош шаҳримизда, айниқса, яққол намоён. Бугунги

қунда Тошкент — улкан бунёдкорлик, замонавий бизнес, илм-фан ва маданият марказига айланди. “Tashkent city”даги муҳташам бинолар шаҳар кўрғига кўрк қўшди. Бу ердаги Халқаро конгресс марказида кўплаб форум ва анжуманлар бўлиб ўтган. Келгусида яна қатор нуфузли саммитлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, шинамлик даражаси юқори меҳмонхоналар, концерт ва опера театри барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари улардаги қурилиш жараёни билан танишди. Ушбу мажмуа юртимизда санъат ривожини янги даражага кўтариш, маданий тадбирларни юқори савияда ўтказишга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, Президент “Tashkent city” марказида қурилиши якуни босқичда бўлган бир қатор бошқа иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Шайхонтоҳур туманидаги 3-сонли иссиқлик марказини бориб кўрди.

Мазкур мажмуа 1972 йилда қурилган. Бу ердаги 5 та қозонхона умумий қиймати 400 Гкал қувватга эга. Жами 491 та кўп қаватли уй, 150 дан ортиқ ижтимоий соҳа муассасаларга иссиқлик етказиб беради.

Ўтган қишда ҳаво кескин совиби кетиши оқибатида табиий газ босими пасайиб, истеъмолчиларга иссиқлик етказиш қийин бўлган эди. Шунинг учун жорий йилда иссиқлик марказида муқобил ёқилғидан фойдаланиш имкони яратилди. Хусусан, мазут ҳўжалиги қурилиб, қозонларнинг икитаси аралаш шаклда — газ ва мазутда ишлашга мослаштирилди. Барча қозонхоналар таъмирланди. Шунингдек, газ босимини таъминлаш мақсадида иншоотга 4,6 километр алоҳида қувур тортилди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилди. Хусусан, тармоқ 30 даража совуқ ҳароратгача барқарор ишлади. Бундай пайтларда захираланган мазутдан ишлатилади. Қувурлар изоляцияси мустаҳкамлангани учун иссиқлик йўқотилиши

камайтирилган. Натижада аҳолига 65 даражадан кам бўлмаган иссиқлик етказиб берилади. Худди шу тартибда 5-сонли иссиқлик маркази ҳам модернизация қилинган.

— Очиги, узоқ йиллар давомида бу тизимга эътибор бўлмаган. Иссиқлик корхоналари эски ресурсда, эскича услубда ишлаб келган. Лекин олинган иссиқлик сарфланган харажатга нисбатан ўзини оқламади. Бундан одамлар ҳам рози бўлмади, корхоналар ҳам манфаат топмади. Ўтган йилги синовдан ва имкониятларимиздан келиб чиқиб, иссиқлик таъминотини модернизация қилишимиз. Энди иссиқликни сақлаш ва тежаш чораларини кўриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ишга туширилган когенерация иншоотини кўздан кечирди.

Маълумки, ўтган қишдаги аномал совуқда иссиқлик таъминотида узлишлар рўй берди. Чилонзор туманининг Оқтепа ва Боғзор маҳаллалари вазият мураккаб бўлган ҳудудлардан эди. Бу ерда 50 та кўп қаватли уй, 7 та ижтимоий муассаса ва ўнлаб тадбиркорлик шохбачалари бор.

Ушбу ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун бу ерда бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарадиган когенерация қурилмалар ишга туширилди. Улар соатига 4,6 МВт электр энергияси ҳамда 29 гикалориядан ортиқ иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига эга.

Туркиянинг “Ilteko” компанияси билан биргаликда амалга оширилган лойиҳага Германиядан газ-поршенлар ҳамда “Bosch” қозонлари келтириб ўрнатилди. Шунингдек, қозонхонадан истеъмолчиларга бўлган барча иссиқлик таъминоти инфратузилмаси реконструкция қилинди. Иссиқлик магистрალი алмаштирилди, ҳар бир турар жой биноси ва ижтимоий объектларда алоҳида иссиқлик тақсимлаш пунктлари ўрнатилди. Жами 13 минг метр узунликдаги иссиқлик тармоқларини янги, изоляцияли қувурларга алмаштириш ҳисобига тўлиқ ёпиқ тизимга ўтказилди ва йўқотишлардан ҳимоя қилинди.

Лойиҳанинг яна бир самарали жиҳати — иссиқлик тақсимлаш пунктлари махсус датчиклар билан жиҳозланган. Ҳаво совиби ёки иссиқлик таъминоти қараб, уй ичидаги ҳарорат мўстадил сақлаб турилади.

Мажмуа ишга туширилиши натижасида йилга 5,3 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади. Атмосферага чиқадиган ифлослантурувчи моддалар 67 фоиз камади, оқова сув ташланмалари эса умуман бўлмади.

Боғзор ва Оқтепа маҳаллаларидаги трансформаторлар алмаштирилди, электр узатиш

тармоқлари янгидан тортилди. Бунга қўшимча, кўп қаватли уйлар тепасига қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва тегишли соҳалар мутасаддилари куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ахборот берди. Давлатимиз раҳбари энергетика, коммунал, қурилиш ва сервис компаниялари каби барча воситаларни сафарбар қилиб, таъмирлаш ишларини якунига етказиш, энергия ва иссиқлик таъминотини барқарор қилиш, бу борада халқ назоратини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кузги дарахт экиш мавсумини бошлаб берди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Оқтепа ва Боғзор маҳаллаларида ташрифи чоғида жамоатчилик билан бирга кўчат экди.

Президентимиз ташаббуси билан дарахт экиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш катта ҳаракатга айланмоқда. Бу мавсумда 85 миллион туп кўчат ўтказилиши мўлжалланган. Урмон ҳўжалиги агентлиги томонидан ҳар бир маҳаллага 200 тадан кўчат бепул етказиб берилади. Шунингдек, 15 октябрдан барча туман ва маҳаллаларда кўчат ярмаркаси ташкил қилинади.

Маҳалла аҳолиси билан суҳбатда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ҳақида сўз борди.

— Бугун келишимиздан мақсад — ўтган йилги сабоқдан натижа нима бўлганини кўриш, — деди давлатимиз раҳбари. — Бунинг учун керакли қарорлар қабул қилдик, катта маблағлар ажратдик. Хориждан технологиялар, мутахассислар олиб келдик. Соҳа ходимлари қўшимча ўқитилди, уларнинг ойликлари оширилди. Ҳозир раҳбарларга ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўп қаватли уй, мактаб, шифохоналарга кириб, иссиқликни кафолатлаш бўйича яна топшириқлар бердим. Энг муҳими, бу борада халқ назоратини йўлга қўямиз. Шу билан бирга, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш керак. Сизга ўхшаган кўпни кўрган инсонлар, зиёлилар бунда намуна, давлатга кўмакчи бўлиши зарур.

Жамоатчилик вакиллари куз-қишга тайёргарликни, юртимиздаги ўзгаришларни эътироф этиб, ўз уйлари ва барча муассасаларда иссиқликни асрашда жонқуяр бўлишларини таъкидлашди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқром АБВАЛБЕКОВ,  
ЎА АМУХБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

### БУГУННИНГ ГАПИ

## ИҚТИСОДИЁТ ҒИЛДИРАГИ

ёхуд энергетика тизимидаги ўзгаришлар аҳамияти қандай?

Энергетика — мамлакат тараққиётининг асосларидан бири. Чунки қулай ҳаёт кечирish, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот, коммунал ҳўжалиги, санюат, қишлоқ ҳўжалиги, умуман, иқтисодиётнинг барқарорлиги айнан шу соҳа фаолиятига боғлиқ. Бунга ўтган қишда кузатишган аномал совуқ оқибатида келиб чиққан камчиликлар мисолида барчамиз гувоҳ бўлдик. Мамлакатимиз энергетика тизимида айни пайтда куз-қиш мавсумига тайёргарлик чоғида ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масалалар энг юқори даражада ҳал этилмоқда.

Хусусан, жорий йил 16 июнь куни XXVI Петербург халқаро иқтисодий форуми доирасида Россия газини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича шартнома ҳамда республикамиз газ-транспорт тизимини ушбу газни қабул қилишга тайёрлаш бўйича “Йўл харитаси” имзоланган эди.

— Аввал табиий газ Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувури орқали Қозғистондан транзит билан Россияга юборилган бўлса, айнан шу “Йўл харитаси” туфайли энди газ реверс режимида, яъни тескари оқимда Ўзбекистонга етказилиши, шунингдек, республикамиз ҳудудида янги газ ўлчаш станцияси қурилишини ҳисобга олган ҳолда мавжуд тадбирларни

жорий йил сентябрь ойига қадар якунлаш белгилаб олинган, — дейди Энергетика вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Ҳасан Тошҳўжаев. — Президентимизнинг яқинда Россияга расмий ташрифи давомида ана шу ҳужжатлар асосида Россиядан Қозғистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга газ етказилишига старт берилди.

Шартнома тўлиқ тижорий шартларда ишлаб чиқилган, у юртимиз истеъмолчиларининг табиий газга ошиб бораётган эҳтиёжини қисман қондириш ҳамда куз-қиш мавсумини беталафот ўтказишга қаратилган чора-тадбирлардан биридир.

Давоми 3-бетда



“ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!”

Хабар берганимиздек, пойтахтимизда вазирлик, ҳокимлик, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчилари иштирокида “Тилимиз тараққиёти йўлида бирлашсак, улкан қудратмиз” шиори остида биринчи республика семинари бўлиб ўтди.

Кеча семинар қатнашчилари Ёзувчилар уюшмасининг катта маросимлар залида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғар-

маси томонидан анъанавий тарзда ташкиллаштириб келинаётган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросимда ҳозир бўлдилар.

Давоми 5-бетда

### МУНОСАБАТ

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ

МДҲ ДАВЛАТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИ

Ҳар бир мамлакат ўз аҳолисининг кундалик истеъмол маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондира олиши керак. Бу ҳозирги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан саналади. Бунга давлатлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда — кимдир маҳаллий ишлаб чиқариш, кимдир импорт ҳисобига амалга оширишга интиломоқда. Ўзбекистоннинг сўнги йилларда эришган катта ютуқларидан бири қишлоқ ҳўжалигини тубдан ривожлантириш ҳисобига 36 миллиондан зиёд аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш баробарида, экспорт кўламини ҳам ошириб бораётганида, дейиш мумкин.

Ҳозирги вақтда юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатига экспорт қилинаётгани бунинг исботи. Биргина мева-сабзавот ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми охириги етти йилда қарий 2 баробар ошган. Ўтган даврда соҳага оид қатор ҳуқуқий ҳўжатлар қабул қилиниб, улар асосида изчил чора-тадбирлар, янги ва замонавий ёндашувлар амалга оширилди. Бунинг амалий натижаларини эса Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги глобал индекси рейтингидеги ўрни кўтарилиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Албатта, ўсаётган кўрсаткичлар соҳадаги катта ислохотлар, ажратилаётган маблағлар, тармоқ вакилларига берилаётган қатор имтиёз ва имкониятлар бунинг исботи. Чунки озиқ-овқат хавфсизлиги дунёнинг аксарият давлатлари қатори бизда ҳам ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, соҳа бошқарувидеги инвестициявий жозибадорликни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## МДХ давлатларининг умумий ва асосий мақсадларидан бири



**Равшан МАМУТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

Биз кўп тилга олаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал муаммо экан, унинг ечимини ҳам дунё халқлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни талаб этади. Бойси, аксарият давлатлар бу масалада бир-бирига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, давлатимиз раҳбари турли халқаро даражадаги форум ва саммитларда ушбу масалага доир илгор ташаббусларни илгари суриб келади. Айниқса, бу масалада МДХ давлатларининг янада яқдил ҳаракат қилиши, янги лойиҳаларни амалга ошириши зарурати ортиб бормоқда.

Шу йил 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Президентимиз айни шу масалага

этибор қаратиб, ўз нутқида манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, озиқ-овқат соҳасидаги ҳамкорлик бўйича янгиланган дастурни ҳамда Аграр ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни тайёрлаш таклиф қилинди. Ўзбекистон етакчиси ҳудудлараро ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ташаббуси билан чиқди.

### Ҳаракатлар аниқ натижага йўналтирилган

Жаҳонда геосиёсий вазият билан боғлиқ тебранишлар жиддий тўси олиб, озиқ-овқат хавфсизлигига бўлган таҳдидлар тобора ортаётгани шунчаки ваҳимали гаплар эмас. Маълумотларга кўра, сайёрамизда 2,3 миллиард одам озиқ-овқат хавфсизлиги мўътадил ёки ўткир мавжуд бўлмаган шароитда яшамоқда. Бунда нафақат очлик ва сувсизлик, балки мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз экани ҳам

назарда тутилади. Ушбу инсонларнинг 556 миллиони, бошқача айтганда, 25 фоизи Осиё қитъасида яшайди.

Муаммонинг асосий ечимларидан бири, албатта, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириб бориш орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Мамлакатимиз географик жойлашувига кўра ва иқлими жиҳатидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга қулай, аграр тармоққа иқтисослашган, тупроғимиз унумдорлиги учун бу борада ҳавотиримиз кам. Бироқ ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Айниқса, табиий неъматлар абадий эмаслиги, сув тақчиллиги муаммоси дунё халқлари қатори бизга ҳам хавф солаётган бир шароитда мавжуд имкониятлардан юқори даражада фойдаланишимиз зарур.

Шу боис, аграр тармоқни ривожлантириш, унга илм-фан ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш асосий вазифалардан бирига айланган. Сўнги йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси улкан ўзгаришларга юз тутди. Хусусан, ерлардан самарали фойдаланиш ва

унумдорлигини ошириш, фойдаланишга яроқсиз экин майдонларида агро-техник тадбирлар олиб бориш орқали қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий этибор қаратилляпти.

Озуқабол маҳсулотлар етиштириш, аграр соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш учун ўтган даврда 200 минг гектар ер ажратилгани ҳамда 500 минг гектар кўшимча ерлар фойдаланишга киритилгани ички бозорда нарх-навоми барқарор сақлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, амалга оширилаётган илчил исплохотлар самарасида ерга, меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Энди қишлоқ ҳўжалиги замонавий тармоққа, унда иш жўртаётганлар эса ишбилармон деҳқон ва фермер, аграр тадбиркорга айланди. Соҳадан даромад олиш кўрсаткичлари ҳам анча юқори.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида қишлоқ ҳўжалиги тармоқларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, аграр соҳада аҳолининг бандлиги ва даромад топишини кўллаб-қувватлаш масалаларига аҳолида тўхталади. Президентимиз ташаббуси билан жорий йил 5-6 сентябрь кунлари Самарқанд вилоятида қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат тизимларининг барқарорлигини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш ва агросаноат комплексини рақамлаштириш масалаларига қаратилган халқаро конференция бўлиб ўтгани ҳам мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини дунё миёсисда таъминлашга хайрихоҳлигидан далолат беради. Юртимизда илк бор ўтказилган мазкур нуфузли халқаро конференцияда 2,3 мингдан зиёд хорижий эксперт ва мутахассислар, 30 дан зиёд давлатдан йирик ташкилотлар вакиллари иштирок этгани ақуманининг аҳамиятини яққол кўрсатади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам аграр соҳани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида қатор мақсад-вазифалар белгиланган. Хусусан, бир гектардан олинмаган ўртача даромадни 5 минг долларга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш ҳамда аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияни жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Гап шундаки, бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 30 фоизини ташкил этади. Аграр тармоқда 4 миллионга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Қолаверса, юрдошларимизнинг ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилишни инobatта олсак, соҳа ривожини йўлидаги амалга оширилаётган исплохотлар жамиятга дахлдор муҳим воқелик сифатида баҳоланиши лозим.

Биргина мисол, бундан 5-6 йил илгари фуқароларга ер берилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. 2021 йилда эса пахта ва галладан қисқартирилётган ер майдонларида экспортбон қишлоқ ҳўжалиги экинлари экинни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали, ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизими яратилди. Сув таъминоти яхши бўлган пахта ва галладан қисқартирилган 200 минг гектар ер майдони деҳқон ҳўжалиги ташкил

эти орқали сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун фуқароларга 30 йилга ижарага берилмоқда.

Энди мамлакатимизда кўшимча 300 минг гектар ер майдонини замонавий сув тежайдиган технологияларни кўллаш орқали ўзлаштириш ва мазкур ерларда озуқабол, доривор, мойли, дуккакли, шולי, галла, сабзавот, полиз экинлари экиш, интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этиш мақсад қилинмоқда. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш мақсадида юртимиз ҳудудларида 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 100 та янги агрологистика маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини 1 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ ишлар амалга ошириляпти. Ер майдонлари ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш механизмининг жорий қилиш бўйича ҳам режалар белгиланмоқда. Албатта, бу борада амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ишлашимиз зарур.

Умуман, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аграр тармоқни ривожлантириш доимий давом этадиган жараён бўлиб, муттасил янгиланишлар, муҳим ҳамда зарурий қарорларни ўз вақтида қабул қилишни тақозо этади. Бу борада белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида эса олдимизда муҳим вазифалар турибди. Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг кафолатли ҳуқуқларини таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштиришимиз зарур. Соҳада аҳолининг ташаббусларини кўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**“ БУГУНГИ КУНДА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ СОҲАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИНГ ҚАРИЙБ 30 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. АГРАР ТАРМОҚДА 4 МИЛЛИОНГА ЯҚИН ИШЧИ-ХИЗМАТЧИ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА. ҚОЛАВЕРСА, ЮРДОШЛАРИМИЗНИНГ ЯРМИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИШНИ ИНОБАТГА ОЛСАК, СОҲА РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСПЛОХОТЛАР ЖАМИЯТГА ДАХЛДОР МУҲИМ ВОҚЕЛИК СИФАТИДА БАҲОЛАНИШИ ЛОЗИМ.**

### БИЗ ВА ДУНЁ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ВА МДХ МАКОНИДА ЮРИТАЁТГАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ЎРТАСИДА ҚУЛАЙ СИЁСИЙ МУҲИТ ВА ИШОНЧ ШАКЛЛАНДИ

### ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИШКЕКДА БЎЛИБ ЎТГАН МДХ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ВА ҲАМДЎСТЛИКНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ АҲАМИЯТИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Бишкекда 13 октябрь куни МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича “соатларни тўғрилаб олди” ва долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўлларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқида Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Мажлис доирасида Президент Шавкат Мирзиёев дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДХ Фахрий нишони билан тақдирланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, МДХ саммитида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббус ва таклифлар хорижий экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



**Ҳикмет ЭРЕН,**  
**“ЕкоАвгаста” Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси бошқаруви раиси (Туркия)**

— Ўзбекистон Президенти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисидаги иштирокини катта қизиқиш билан кузатдим. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган МДХ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган ташаббусларни ўз вақтида ва долзарб деб биланам. Хусусан, ҳозирги мураккаб даврда МДХга аъзо давлатларнинг салоҳиятли имкониятларини биргалликда баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим. Шу нуктага назардан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган кўп томонлама ҳамкорликнинг янги узоқ муددатли кун тартибининг ишлаб чиқиш мақсадида МДХ мамлакатларининг етакчи тақлим марказлари ва экспертларининг конференциясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Ҳамдўстликка аъзо мамла-

катлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарининг 2012 йилдаги МДХнинг эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги битимини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш тўғрисидаги ташаббусининг амалга оширилиши МДХ географиясида иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги савдо айланмасининг ўсиш суръатлари учун кучли рағбат бўлади.

Ҳудудлараро ҳамкорлик савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканини инobatта олиб, Президент Шавкат Мирзиёев МДХ маконида ҳудудлараро ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлаш ташаббуси билан чиқди, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, йўловчи ва юк ташишни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбарининг инвестицияларни рағбатлантириш ва лойиҳаларни илгари суриш бўйича кўшимча чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда МДХ мамлакатларининг Саноат кооперацияси ва инновацион ишланмалари форумини ўтказиш ташаббуси ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Ишончим комилки, мавжуд механизмлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ўсишини рағбатлантиришнинг юқорида қайд этилган янги воситаларини ишга тушириш иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини чуқурлаштириш, илгор инновацион технологияларни амалга ошириш ва барча МДХга аъзо давлатларда иқтисодиётнинг кўллаб тармоқларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президентининг 2024 йилда Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида Халқаро иқлим форуми доирасида МДХ маконидаги экологик хавф-хатарларга бағишланган махсус ялпи сессияни ташкил этиш таклифи, шубҳасиз, келажакда глобал иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашда муҳим платформага айланади.



**Муҳаммад ТАЛЪАТ,**  
**Мисрнинг “Аль-Жумхурия” газетаси бош муҳаррири уринбосари:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бишкекда бўлиб ўтган МДХ саммитида сўзлаган нутқи Миср сиёсий ва жамоат доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг йирик Евроосиё маконида ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббуслари диққатга сазовордир. МДХда истисно ва челловларсиз тўлақонли эркин савдо зонасини тезроқ шакллантириш бўйича ташаббуслар, айниқса, турли ҳамкорлик турларидан кўра, фойдалирок бўлиши мумкинлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқида, шунингдек, МДХда электр энергияси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тўсиқсиз етказиб бериш учун қулай шарт-шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, бунга фақат транспорт алоқасини мустаҳкамлаш, йўловчи ва юк ташиш ҳажминини ошириш орқали эришиш мумкин.

Бошқа кўллаб ташаббуслар қатори бепоён минтақа аҳолиси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган МДХ мамлакатлари маданияти, санъати ва киноси ҳафталигини, ёшлар ўртасида футбол турнирини ўтказиш каби таклифларни алоҳида қайд этиш керак.



**Нурзиза БОРХАН,**  
**Малайзия Халқаро тадбиркор аёллар ассоциацияси (IWEAM) асосчиси ва раиси:**

— Аввало, Ўзбекистон раҳбарияти ва мамлакатининг халқини дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Президент Шавкат Мирзиёевга МДХнинг олий мукофоти топширилгани муносабати билан самимий табрикларимни изҳор этаман.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда Ўзбекистон раҳбарининг конструктив ташқи сиёсати туфайли нафақат Марказий Осиёда, балки МДХда ҳам давлат раҳбарлари ўртасида мутлақо қулай сиёсий муҳит ва ишонч шаклланди. Мунтазам сиёсий алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди, парламент алмашинувлари йўлга қўйилди, мулоқот ва ҳамкорлик учун турли платформалар ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида биз ҳозир глобал геосиёсий кескинлик кучаяётган бир шароитда оғир кунларни бошдан кечираётганимизни тўғри таъкидлади. Дунёнинг турли минтақаларида кескинлашиб бораётган можароларнинг оқибатлари, истисноз, барча мамлакатларнинг барқарор ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг саммит чоғида импорт ўрнини босувчи миллий дастурларни синхронлаштириш, муқобил савдо ва логистика йўналишларини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликнинг янги дастурини ишлаб чиқиш бўйича билдирган ташаббуслари, шунингдек, МДХга аъзо давлатлар ўртасида электрон тижоратни ривожлантириш жуда муҳим ва долзарбдир.

Мен ҳам МДХ доирасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, шу жумладан, турли юқори технологияли тармоқлардаги етакчи компания ва корпорациялар ўртасида узоқ муددатли ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш Ҳамдўстлик давлатларининг янада иқтисодий ривожланишига хизмат қилади, деган фикрга тўлиқ қўшилиман.

Қирғизистон пойтахтида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарларининг учрашувида томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий натижалари сарҳисоб қилинди ва Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг янги уфқларини ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Хусусан, Самарқанд шаҳрини 2024 йилда МДХнинг “Маданият пойтахти”, Тошкент шаҳрини эса “Ёшлар пойтахти” деб эълон қилиш бўйича қарор лойиҳалари Қирғизистонда бўлиб ўтган Саммит йиғилиши якунлари бўйича ҳужжатда ўз аксини топди.

Шубҳасиз, ўзаро савдо ҳажминини янада ошириш, транспорт ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик, саноат кооперацияси, электрон тижорат масалалари мазкур саммит кун тартибидан ўрин олди.

МДХнинг ушбу йўлдан боришига асослар айнан Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга раислиги даврида қўйилганини алоҳида таъкидламоқчиман.



БУГУННИНГ ГАПИ

# ИҚТИСОДИЁТ ФИЛДИРАГИ

## ёхуд энергетика тизимидаги ўзгаришлар аҳамияти қандай?



**Дилшод УЛУГМУРОДОВ,**  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланғичи 1-бетда

Бугун замон шиддатли. Илм-фан, техника жадал ривожланмоқда. Шу боис, мамлакатимизда бозор талаблари асосида энергетика тизимини тараққий эттириш, соҳада рақобат муҳитини яратиш, илгор технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Энергетика соҳасида бозор муносабатларига ўтишда муваффақиятли одамлардан бири давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида энергия, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишдир. Бугун ушбу модель жамийи қурилаётган ва режалаштирилган электр станциялари учун асосга айланган. Шундай қилиб, янги иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш кўп жиҳатдан мамлакат энергетика соҳасида рўй бераётган ўзгаришларга мисол бўла олади. ДХШ асосидаги лойиҳалар тендер, яъни рақобатдош бозор асосида ўтказилади.

Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққийоти банки, Европа тикланиш ва тараққийоти банки энг яхши халқаро тажрибани ўзлаштириш ва тендерлар ўтказиш учун техник ёрдам кўрсатмоқда. Тендер голиби янги электр станциясини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш учун масъул бўлади. Корхоналар билан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини харид қилиш юзасидан 20-25 йилга мўлжалланган узок муддатли битим тузилади. Электр энергияси учун фойдали нарх таклифи тендерда голиб бўлиш учун асосий мезон қилиб олинган. Аммо ўз таклифини беришдан олдин тендер катнашчилари малакали саралаш босқичидан ўтиши лозим. Бундан қўзланган мақсад — уларнинг тажрибаси, маблағи мавжудлиги, бундай лойиҳаларни амалга ошириш ва таъминлашга қодирлигини билиш. Ўзбекистон энергетика соҳасида жорий қилинаётган бундай бозор тамойиллари соҳада соғлом рақобат яратишга имкон беради.

Бугунги кунда электр энергияси хариди бўйича жами 17 та битим имзоланган. Электрни мустақил ишлаб чиқарувчилар қаторида "TOTAL EREN CA" (Франция), "ABU DHABI FUTURE ENERGY COMPANY" (БАА), "ACWA POWER" (Саудия Арабистони) каби компаниялар мавжуд. Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Энергетика вазирлиги хузурида Лойиҳа маркази ташкил қилинган. У халқаро молия ташкилотлари билан ҳам иш юритади. Буларнинг бари ижтимоий-иқтисодий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этаётганини аниқлатади.



Мисол учун, шу кунларда Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри ва Боёвут туманлари ҳудудида иссиқлик электр станцияси барпо этилмоқда. У ерда Япониянинг "Mitsubishi" компаниясининг дунёдаги энг замонавий ва энерготежамкор газ турбиналари ўрнатилмоқда.

Умумий қиймати 1,2 миллиард долларга тенг ушбу лойиҳа Саудия Арабистонининг "ACWA POWER" компанияси томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига амалга ошириляпти. Мазкур электр станцияси 2024 йилнинг биринчи чорағида тўлиқ қувватда иш бошлайди. Натижада станцияда йилига 12 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Энг замонавий, энергия тежамкор технологиялар ўрнатилиши ҳисобига йилига 1,1 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Станция қурилиши давомида 2000 нафаргача одам иш бўлиб таъминланган бўлса, у ишга тушганидан кейин 120 та янги иш ўрни яратилади.

Ушбу инвестиция лойиҳаси Президентимизнинг 2020 йил 10 августдаги "Сирдарё вилоятда қуввати 1 500 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда энергия истеъмолининг қарийб 23 фоизи уй-жой соҳасига тўғри келса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил қилмоқда. Хусусан, Европада 1 квадрат метр учун энергия сарфи йилига 120-150 киловатт-соатни ташкил қилса, юртимизда бу кўрсаткич 390 киловатт-соатдан ошмоқда. Энергия самарадорлигини оширишга доир жараёнларда 2020 йилда иқтисодиёт тармоқларида ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш эвазига 1 миллиард 352,4 миллион куб метр табиий газ, 917,5 миллион киловатт-соат

жумладан, таъминотдаги узиллишлар ҳаво ҳарорати совиб кетиши натижасида истеъмолининг кескин ортиб кетиши туфайли юзага келади. Шу билан бирга, қисқа муддатли узиллишлар тизимдаги катта аварияларнинг олдини олишга имкон беради. Бунинг сабаби шуки, энергия тизимида унинг барқарор ишлаши учун ҳар қандай вақтда истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртаси-



даги энергия мувозанати таъминланиши муҳим. Ушбу жараён истеъмолиларга электр энергиясини ишончли ва узлуксиз етказиб бериш ҳамда энергия тизими муаммосиз ишлашини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Электр энергиясига эҳтиёжнинг кескин ортиши (ёз жазирасида ёки қаҳратон қишдаги совуқ об-ҳаво туфайли) қузатилган пайтда ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги энергия балансини таъминлаш жуда қийин кечади. Бунда катта авариялар ҳамда бутун мамлакатда истеъмолилар таъминотдан узиллишининг олдини олиш учун чекловлар жорий этилади. Энергия балансини таъминлаш имкони бўлмаган ҳолларда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари диспетчерлик бошқармаси истеъмолиларнинг бир қисмига режа жадвалига мувофиқ чекловлар ўрнатишга мажбур бўлади. Ушбу графиклар, қоида тарихида, паст кучланилиши (0,4 кв, 6-10 кв) тақсимлаш электр тармоқларини ўз ичига олади. Бу ҳаракатлар эҳтимоллий йирик аварияларни бартараф этади.

— Энергетика тизими электр энергияси ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станциялари, ишлаб чиқарилган электр энергиясини юқори кучланилиши магистрал тармоқлари орқали узатиш, электрни тақсимлаш тармоқлари ва истеъмолиларни ўз ичига олган мураккаб тузилма ҳисобланади. — дейди Бош прокуратура Иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори, адлия кичик маблағчи Фаёз Нормуродов. — Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ҳамда истеъмоли қилиш бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши лозим бўлган ягона технологик жараённи қамраб олади. Бунда ҳар лаҳзада улар ўртасида тенглик, мувозанат ўрнатиш ниҳоятда муҳим.

Тизимга ноқонуний уланишлар ҳам ортиқча кучланишларни юзага келтиради. Ваҳоланки, бундай ҳолатларга нисбатан қонунчиликда жавобгарлик белгилаб қўйилган. Яъни қимдир электр энергиясига ноқонуний уланиш бўлса, Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилади.

### Кўп ишлатган кўп тўлайди

Жорий йил 1 ноябрдан бошлаб бир ойда электр энергиясини ўртача ойлик истеъмоли учун тўлов миқдорида ўсувчан коэффициент қўлланилишига доир янги тартиблар ижтимоий тармоқларда турли мўлоҳазаларга сабаб бўлди. Энергетика вазирлиги бу ҳолатга ҳам

изоҳ берди. Унда келтирилишича, мазкур ўсувчан коэффициент истеъмолиларнинг 98 фоизига мутлақо таъсир қилмайди. Чунки мамлакатимиздаги 7 миллион 589 мингдан зиёд абонентнинг атиги 146 мингдан ортиги 1000 киловатт-соатдан кўп электр энергияси ишлатади, холос. Уларнинг атиги 10 минг нафари ойига 5 минг киловатт-соатдан ошиб, бор-йўғи, 4 мингдан ортиқ

истеъмоли эса ойига 10 минг киловатт-соатдан зиёд электр энергияси истеъмоли қилади.

Авалло, тариф нархи ошаётгани йўқ. Уша 295 сўм жой-жойида турибди. Аммо одамларда тежамкорлик қайфиятини кучайтириш ҳамда "яширин иқтисодиёт" унсурларига барҳам бериш учун қўшимча ўсувчан коэффициент қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Бунда истеъмоли бир ойда 1000 киловатт-соатгача электр энергияси сарфласа, 295 сўмдан 295 минг сўм тўлайди. 1001 киловатт-соатдан 5000 киловатт-соатгача истеъмоли қилинганда эса 1000 киловатт-соат учун 295 минг, айтиллик, 4 минг 850 киловатт-соат ёққан бўлса, 1001 дан 4 минг 850 гача 590 сўмдан тўлайди.

Агар бир ойда 9 минг 420 киловатт-соат ишлатилса-чи? Бунда ҳам худди 1000 киловатт-соат учун 295 минг сўм, 1001 киловатт-соатдан 5000 киловатт-соатгача 590 сўмдан 2 миллион 360 минг сўм, 5001 киловатт-соатдан 9 минг 420 киловатт-соатгача 3 миллион 911 минг 700 сўм, жами 6 миллион 566 минг 700 сўм тўлов қилинади. Ўсувчан коэффициентгача эса бир ойда 9 минг 420 киловатт-соат сарфлаган истеъмоли бунга 2 миллион 778 минг 900 сўм тўларди. Яъни у бир ойда 6 миллион 358 минг 500 сўм шартли субсидия олгани ҳолда аҳолининг қолган 98 фоиз қисмидан кўра, бир неча ун қарра кўпроқ электр энергияси истеъмоли қиларди. 1 ноябрдан кейин ана шу ҳолатга чек қўйилди.

Худди шу ўсувчан тариф 10 минг киловатт-соатдан зиёд электр токи ишлатадиганларга ҳам қўлланилмоқда. Энди кимда-ким бундан кўп ишлатса, у учун белгиланган тарифга нисбатан 4 баробар ўсувчи коэффициент қўлланилади.

Яъни истеъмоли томонидан бир ойда 12 минг 400 киловатт-соат сарфлаганса (буни тасаввур этиш қийин, лекин таҳлиллар шунча миқдорда электр энергияси ишлатадиганлар борлигини кўрсатган), 1000 киловатт-соатгача 295 сўмдан, 1001 дан 5000 киловатт-соатгача 590 сўмдан, 5001 дан 10 минг киловатт-соатгача 885 сўмдан, 10 мингдан 12 минг 400 киловатт-соатгача 1 минг 180 сўмдан ҳақ тўлайди. Бу унга жами 9 миллион 912 минг сўмга тушади.

1 ноябрдан эса худди шунча миқдорда электр энергияси истеъмоли қилган абонент 3 миллион 658 минг сўм тўларди, холос. Шу билан бирга, у давлатдан 8 миллион 370 минг сўм шартли субсидия ҳам оларди.

Бу ўсувчан коэффициентларни мутахассислар адолатли, энергия тежамкор ва самарадор ечим сифатида

“ ИСТЕЪМОЛЧИ ТОМОНИДАН БИР ОЙДА 12 МИНГ 400 КИЛОВАТТ-СОАТ САРФЛАГАНСА (БУНИ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН, ЛЕКИН ТАҲЛИЛЛАР ШУНЧА МИҚДОРДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАТАДИГАНЛАР БОРЛИгини КўРСАТГАН), 1000 КИЛОВАТТ-СОАТГАЧА 295 СўМДАН, 1001 ДАН 5000 КИЛОВАТТ-СОАТГАЧА 590 СўМДАН, 5001 ДАН 10 МИНГ КИЛОВАТТ-СОАТГАЧА 885 СўМДАН, 10 МИНГДАН 12 МИНГ 400 КИЛОВАТТ-СОАТГАЧА 1 МИНГ 180 СўМДАН ҲАҚ ТўЛАЙДИ. БУ УНГА ЖАМИ 9 МИЛЛИОН 912 МИНГ СўМГА ТУШАДИ.

йирик истеъмолиларга белгиланган тарифларда сотади. Кейинги босқичда электр энергиясини онлайн савдо платформасида талаб ва таклиф асосида шаклландиран эркин нарҳда сотади. Экспорт ва импорт операцияларини шартномалар асосида амалга оширади.

Бундан ташқари, энергетика бозори регулятор сифатида Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги ташкил этилмоқдаки, бу ҳам электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларини босқичма-босқич ташкил қилишда, рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда бозор жозибадорлигини оширишда қўл келади.

### Ечим — ўзгаришларда

баҳолашмоқда. Бизнингча ҳам шундай. Кўп ишлатган кўп тўлаши керак. Бозор қондаларидан бири шу.

Энергетика тизимида бозор муносабатларини кенгайтиришда давлатимиз раҳбари томонидан яқинда, яъни 2023 йил 28 сентябрда қабул қилинган "Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки унда энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш, соҳага хорижий ва хусусий инвестициялар келишини қўлай-тириш, нарх шаклланишининг эркин



ва шаффоф механизмларини жорий қилишга асосланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил этиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, аҳоли учун электр энергияси тарифларини белгилашда ижтимоий ҳимоя механизмлари жорий этилади. Республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар аҳолига электр энергияси ягона нарх сисёсати асосида сотилиши таъминланади.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электр энергияси таъминотчиларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди. Электр энергиясининг улгуржи бозорида нарх талаб ва таклиф асосида эркин шаклланиши таъминланади. Электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш учун "Ўзэнергосотиш" акциядорлик жамияти ташкил этилади. Жамият дастлабки босқичда электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи бозори механизмига ўтиш даврида электр энергияси ишлаб чиқарувчилардан уни харид қилади ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва

Мамлакатимизда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг қарийб 97 фоизи "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти тасарруфидига электр станцияларига тўғри келади. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили электр энергетикаси тизимидаги мавжуд корхоналар томонидан истеъмолиларга жами 57 миллиард киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси етказиб берилган. Бугунги кунда бир йилда ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажми 60 миллиард киловатт-соатдан ортиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридагига нисбатан

қарийб 10 миллиард киловатт-соат кўпайган. Аҳоли турмуш даражаси ўсиши, турли замонавий маиший электр жиҳозларнинг турмушда фойдаланиш кўлами кенгаётгани боис, электрга талаб тобора ортиб бормоқда.

Қайд этганимиздек, совуқ кунлар кириши билан аҳолининг иситиш воситаларидан кўпроқ фойдалана бошлаши электр энергияси етказиб беришдаги меъёرنинг бирмунча издан чиқишига таъсир кўрсатмай қолмайди. Қуз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал олиб борилганига қарамай, бу йилги илк совуқ кунлардаёқ қатор камчиликлар юзага келганини барчамиз кўрдик. Етказиб берилётган табиий газ босими пайсаяиши ва электр энергиясидagi узиллишлар пойтахтимиз ҳамда вилоятлар аҳолиси учун бирмунча ноқулай шароит яратди. Ушбу ҳолат юртдошларимиз эътирозига ҳам сабаб бўлди.

Бугун қўрилаётган чоралар, амалга оширилаётган янги лойиҳалар ана шундай камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамият-лидир.

# БУЗИЛГАН УЙНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ОСОН ЭМАС

## Сурхондарёда шоличилик шухрати қайта тикланадими?

Ҳар бир халқнинг ўз миллий таоми бор. Ўзбекички эса палов. Уйимизга меҳмон келса, албатта, серсабзи, сергўшт ош дамлаймиз. Аввало, меҳмоннинг хурмати, қолаверса, тўйимлиги учун. Ошпазлар ширин ва ейишли бўлиши учун майиз, беҳи, ҳар хил зираворлар, саримсоқпиез ҳам қўшиб дамлайди ошини. Аслида, ошнинг тотли ва хушхўрлиги кўп жиҳатдан сара гуручга боғлиқ. Бозорда сифатли гуручининг нархи эса анча баланд. Шу кеча-кундузда Сурхондарё бозорларида яхши гуручнинг баҳоси 30 минг сўм атрофида. Энг арзони ҳам 15-18 минг сўм. Бозорнинг талаби шу: нима кам бўлса, ўша маҳсулотнинг баҳоси қимматлашади.



Сўнгги йилларда воҳа бозорларида гуручининг нархи кўтарилишига асосий сабаб, асосан, Хоразмдан келтирилади. Ҳолбуки, Сурхондарё заминидега етиштирилган гуруч азалдан машҳур бўлган. Нимаси билан дейсизми? Пазандаларнинг ҳулосасига кўра, қозонга солсангиз сув кўтарди, эзилиб кетмайди, тез пишди, Хоразмнинг гуручидега ялтирқ бўлмаса ҳам ширали, таъми оғзингизда қолади. Бир товоқдаги ош бемалол икки-уч кишини тўйдирди.

Айниқса, вилоятнинг Музработ тумани ерларида ўстирилган "Авангард", "Оқпар", "Лазур", "Узрос 7/13" навли шולי гуручлари ширадорлиги, тўйимлиги ва қозонга тушадан ҳамма кўпайиши билан ошхўрлар меҳрига тушганди.

2.8 миллионлик вилоят аҳолисини сифатли гуруч билан таъминлаш ва бошқа жойдан бу маҳсулотни олиб келмаслик, ортиқчасини қўшни вилоятлар бозорларида сотиш мақсадида то 2000 йилгача Музработнинг Амударёга туташиб кетадиган 15 минг гектардан ортиқ ерида фақат шולי ўстирилган. Тажрибали ва омилкор деҳқонлар шולי майдонларининг ҳар гектаридан 80 центнергача хирмон кўтарганини кексалар ҳамон эслашади.

Шоличилик маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан Жовмир Мухаммадиев, Қурбоний Қорахонова, Дўстмурод Қувонув, Утан Олтиев, Шопўлат Худойбердиев, Қурбон Амриқулов, Парда Худойеров сингари ўнлаб уста деҳқонларни элга танитди, кўксига ордену медаллар тақди, депутат қилди. Шундай миришкор деҳқонларнинг заҳматли меҳнати эвазига ўшанда ҳар мавсум Музработ туманида 50 минг тоннагача шולי етиштирилди.

Туман ширкат ҳўжаликлари далаларига пахта якхақоқимлиги даврида ва ҳозиргача ҳам айнан шולי етиштирилиши сабабини умрининг 50 йилини соҳа ривожига бағишлаган нуруний деҳқон Ҳўжамкул Олтиев бундай изоҳлайди: "Бу ерлар Амударёга яқин, захи кўп. Деҳқонлар айрим йиллар ғўза ҳам, ғалла ҳам ўстирган, лекин юқори ҳосил олинмаган. Изма-из ишлов бериб, бот-бот ўғит солин-

ганда ҳам ғўза нари борса 4-5 та кўсақ туққан, буйи ўсмай, ранги сарғайиб қолаверган, бугдой ҳам бўлиб бўлмай, бошоқлари донга тўлмаган. Чунки ғўза ҳам, бугдой ҳам иссиқсевав ўсимлик, унумдор ерда яхши ривожланади. Бу жойлар эса айнан шוליга мос, шולי сувевав, намликда серҳосил бўлади. Бу тажриба олимлар томонидан исботлангани учун Музработ туманининг айрим ширкат ҳўжаликлари далаларида фақат шולי ўстирилган ва юқори ҳосилдорликка эришилган.

2004-2006 йилларда қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар натижасида Музработдаги шוליчиликка ихтисослашган ҳўжаликлар тугатилиб, ерлари, мол-мулклари неғизда фермер ҳўжаликлари ташкил қилинди.

Баъзиларнинг назарида шולי етиштириш осон, ташвишлари пахтаники ёки бошқа зиротаникидек машаққатли эмас. Аслида-чи? Шולי етиштириш серташвиш, сифатли уруғлик топиш муаммо, ўғитнинг бир қопи фалон пул. Утоқчию сувчию, ўрим даврида комбайнчию техника ҳайдовчи-ларга иш ҳақию озик-овқатига миллион-миллион сўм харажат қилиш керак. Ер текислаш, чек очиш, сара уруғлик ва ўғит харид қилишга ўша пайтда энди тетапоё бўлаётган, яна деңг, тузукроқ техникаси ҳам йўқ фермер ҳўжаликларининг қурби етмади. Боз устига, шולי етиштирилмаган майдонларнинг катта қисми Амударё билан Афғонистон ўртасидаги чегара ҳудуднинг ичкарида жойлашгани туфайли ўша жойларга кириб-чиқиб шולי етиштириш учун чегара қўшилари қўмондонлиги ҳамма фермер ёки деҳқонга ҳам рухсатнома бермасди.

Ширкат ҳўжаликлари бор пайтлар маҳаллий ҳокимият тавсияси билан қўмондонлик рухсатномаси ҳар бир деҳқонга тайёрланган. Мабодо айрим фермер ҳўжалиги раҳбарига чегара ичкарига кириб-чиқиб рухсатномаси расмиёлаштирилади тақдирда ҳам ёлланма ишчилар киритилмасди. Натижада чегара ҳудуди ичкаридаги ширкат ҳўжаликлари аъзолари шולי етиштирган минг-минглаб гектар ерига чорак аср мобайнида на техника киритилди, на шолликор ишлади. Экин экилмаслиги оқибатида ер ишдан чиқди,

анча йиллар ўз билганича 10-15 гектар ерга шולי экиб, даромад қилиб юргани учунми, "кластер бизга ҳақ бермайди", деган маънода тадбиркорлар билан ҳам-корликда ишлашни хошлашмади. Оқибатда Хоразм вилоятидан 60 нафар тажрибали шолликор тақлид қилинди.

Вақт тигиз, далада иш қайнагани туфайли кластер вақиллари хонадонма-хонадон кириб, иш ҳақларини ойма-ой беришга ишонтириб, маҳаллий деҳқонларнинг бир қисмини далага қайтарди. Кластер шолиторларда меҳнат қилаётган деҳқонларга икки маҳал текин иссиқ овқат ташкил қилаётгани ва маошини ўзи вақтида бераётганидан хабар толган бошқа фуқаролар ҳам аъзоликка қабул қилишни сураб кела бошлашди. Натижада доимий аъзолар сони 600 нафарга етди.

Хоразмдан келган шолликорлар тавсияси асосида шולי парвартиш аротехника талаблари буйича ташкил қилинди. Мавсумий ишларга жалб қилинганлар сони ҳам 300 нафардан ошди. Чеклар уч марта обихайётга тўлғазилди, уч марта озиклантирилди, бегона ўтлар ҳаддан зиёд кўпайди, йўқотиш учун қайта-қайта гербицид қўлланилди. Самара чакки эмас: уруғ кеч экилганига қарамай, шолиторларда ҳосил чўи мўл.

Шу кеча-кундузда шолиторларда иш унуми юқори 10 та "Кейс" комбайни ва 100 га яқин техника ёрдамида "қирмизи дон" йиғиштириб олинды.

Чегара ҳудуди ташқарисидаги ерларда қишлоқ фуқаролари томонидан ҳар мавсум шולי қўқартирилгани учун ўт ҳам, ҳосил бўлиқ, чегара ҳудуди ичкарида каммиш, ғумайдан тозаланиб, уруғ сочилиган далаларда шולי чўи пастроқ, — дейди кластер директори ўринбосари Халил Эгамбердиев. — Айрим зеволар шолиторларидан ўртача 60-70 центнергача ҳосил олинаётди. Шартнома шартли бундай: ҳар гектар майдондан 40 центнердан шולי топширилса бас, ортиқчаси деҳқонларнинг ўзига берилади.

Уриб-йиғиб олинаётган шולי таркибида намлик юқори, қуритилмасча, сифатига таъсир қилади, шולי могорлаб қолади. Деҳқонлар шолини омборларга киритишдан олдин собиқ ширкат ҳўжаликларининг асфальтланган ва бетонлаштирилган йир-ки-йирки хирмонларида қуритмоқда. "Туяр ошни кўз танийди", деганларидек, эндигина 1100 гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинган бўлса-да, неча вақтдан бери бўш ётган хирмонлар шוליга тўлиб кетди.

Уриб ўтказилган далалардан шולי похолларни махсус техника ёрдамида пешма-пеш тоиланиб, бир қисми шартномага асосан, чегара қўшилари чорва комплексида жўнатилмоқда, ярми ишчиларга текин тарқатилаётди, ортгани

Тайёрланган "Йўл харитаси"га асосан, 2025 йил охиригача 20,1 минг гектар ер қайта оборотга киритилади ва асосан, шולי етиштирилади. Кластер мутахассислари тақдим этган маълумотларга кўра, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 819 миллиард сўмлик ишлар бажарилади.

Жорий йил апрель ойидан кластерга қарашли турли русумдаги юзлаб техника сафарбар қилиниб, гўё тўқайзорга айланган ерларни бегона ўтлардан тозалаш, ер текислаш, йиллар давомида лойқа ва каммишга тўлиб қолган ирригация ва мелiorация тармоқларини тавмирлаш, тиклаш, реконструкция қилиш, янгидан канал ҳамда шоҳариқлар қазииш, Амударёдан сув тортиб чиқарадиган Жайхун насос станциясини тиклаш, зовур сувларини далага оқизишга хизмат қиладиган МК-9 насос станциясини тавмирлаш ҳамда далаларни шולי экишга тайёрлаш ишлари тизимли равишда ташкил қилинди. 8 минг гектар ер зироат ўстирадиган ҳолатга келтирилгунча июнь ойи ҳам кириб келди. Кеч бўлса ҳам 4,5 минг гектар майдонда чеклар очилиб, шолнинг "Лазур", "Авангард", "Гулистон", "Нукус" навлари экилди. Омилкор деҳқонлар фикрича, аслида шולי худди чигит сингари апрель ойи ўрталарида экилиши керак.

Одатда сурхондарёлик миришкорлар шולי уругини сеялканда экиб, чекларга ажратиб, сўнг суюрган. Кластер ҳосилотларининг тавсиясига биноан, деҳқонлар майдонларни сувга тўлдирган, кейин сув тўла майдонлар ичида юриб, кўп кучи ёрдамида уруғ сочди. Аввалига тажрибали деҳқонларни топиш, уларни ишга жалб қилиш осон кечмади. Чунки ўтроқ аҳоли

махсус техника билан майдаланиб, ерга ўғит сифатида социяланти.

Келгуси йил шולי похоллари ташкилотга қўшимча даромад келтиради. Термиз шаҳридаги "Сурхонсаноат" корхонасининг Музработ филиалида қамишдан ДСП ишлаб чиқариляпти. Келгусида шу корхона ишбилармонлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, шולי похолларидан ҳам қурилиш-боп материаллар тайёрланади.

Айни пайтда шолиторларда ўримни тезлаштириш билан бир қаторда ер ўзлаштириш, қамиш, ғумайни таг-туғи билан йўқотиш, кузги бугдой экиш ишлари жадаллаштириляпти. Бундан ташқари, шолиторларни сув билан таъминлайдиган бир неча насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида ишлатиш учун инвестиция киритиш ва уларни тавмирлаш жараёни ҳам давом этаётди.

— Биласизми, шолнинг асосий кушандаларидан бири — бегона ўт. Айниқса, қамиш ва ғумай шолини сиқиб қўяди, озуксига шерик бўлади, — дейди МЧЖ ижрочи директори Абдулла Турсунов. — Шунинг учун шолини ўриб олинган далаларга бегона дон экинлари экилмас. Мақсад — бегона ўтларни қамайтириш. Май ойи охирига бориб бугдой йиғиб олинган, изига бу йилгидек кечроқ бўлса ҳам шולי ўстирилади.

Кластер мутахассислари фикрича, айрим далалардан ўртача 45 центнер, унумдор ерлардан 70 центнердан "қирмизи дон" олинапти. Шолиторлардаги ҳосилни чамалаб кўрган тадбиркорлар жами 18 минг тонна ҳосил олишни мўлжалламақда. Қайта ишлаш натижасида 9 минг тонна гуруч ишлаб чиқарилади. Дастлабки йил учун бу катта ютуқ.

МЧЖ ишбилармонлари шолини қайта ишлаш ниятида тумандаги шולי оқлаш корхонасини бу йил ижарга олиб фойдаланишни режалаштирди. Келгусида шолиторлар кенгайтирилишини инобатга олиб, бўш турган "Музработ дон" корхонасини жиҳозлари билан сотиб олмақчи. Бу жой реконструкция қилиниб, Туркиядан 50 минг тонна шולי оқлайдиган технология келтириб ўрнатилади.

— Музработ туманидан кластеримизга ажратилган ва фойдаланишдан чиқиб кетган 20,1 минг гектар ерни 2025 йилгача ўзлаштириб, тўлиқ шолиторга айлантирилади, — дейди Абдулла Турсунов. — Натижада йилга 70 минг тоннагача шולי етиштиришга эришляди. Шולי етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнида 2 минг киши доимий ишли бўлади. Мухими, гуруч нархини кескин пасайитириш чоралари қурилади.

Усмонали НОРМАТОВ, журналист

## БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ

# ШИРИН ҚОВУНЛАР ҚИШЛОҒИ

Бешариқ туманидаги "Андархон" маҳалла фуқаролар йиғинида кузги қовун сайли бошланди. Бу ердаги қай бир хонадонга кирсангиз, дастурхонига тилими тилни ёрар сархил қовунлар билан сийлайди. Бу бежиз эмас.

Маҳалладаги 900 дан ортиқ хонадон соҳиблари қовун етиштириш, сақлаш амаллари билан андармон. Андархон қовунлари доврўғини эшитиб, нафақат водий ва воҳалардан, балки яқин қўшни мамлакатлардан ҳам харидорлар келяпти. Эндиликда маҳаси, сархил қўриниши билан миқозлар, сайёҳлар эътиборини тортган қовунларни хорижга экспорт қилиш имконияти яратилди. Ҳолбуки, бу ишлар шу кунга қадар тарққиб эتماган эди. Жорий мавсумда дастлабки қовунлар қўшни Қирғизистон ва Тожикистонга экспорт қилинди.

калий, натрий, кальций, мағний, темир, фосфор, олтингурут ва бошқа бир канча фойдали элементлар мавжуд. Унинг пўсти ва уруғи қон томирларини кенгайтиради, терини тозалайди. Буйрак ва жигардаги тошни нуратиш хусусиятига эга.

### Сулола давомчилари

Андархонлик Анваржон Бозоров қовунчилар сулоласининг тўртинчи авлоди. Хонадондаги бугунги манзарани қовунлар салтанатига қиёслаш мумкин. Ҳовлида оёқ қўйгани жой топилайди ҳозир. Хонадон соҳиблари, қўни-қўшилари сархил қовун навларини саралаш, махсус боғламалар билан боғлаш, мўстадил об-ҳаво шароитида сақлашга қўйиш каби юмушлар билан банд. Улар махсулот тури, вазнига қараб, табиий гиеҳ-қамиш — қовгалар ёрдамида қовунларни "жиловлаб" беради. Шундан сўнг табиий ёғоч жиҳозларга осллади.

— Бу йил ёзги қовундан ташқари 3 гектар ерда кечки қовун етиштирдик, — дейди соҳибқор Анваржон ака ҳовли соҳиблари қовунларни қўлга олиб, —

Ёзги ҳосилдан 150-200 миллион сўмдан ортиқ даромад қилдик. Айни кунда кечки ҳосилимизни сақлашга қўйиш учун ҳозирлаяпмиз. Мавсум давомида 10 минг донадан ортиқ сара қовунни эрта қўқламга қадар сақлаш имкониятимиз бор. Баракали соҳа туфайли турмушимиз фаровон, фарзандларимизнинг келажигини кўнглимиз тўқ.

Ҳамма жойда ҳам қовун етиштирилади. Аммо унинг мазаси, сақланиш услуби Андархон қовунларига ўхшамайди. Ай-тишларича, бу ҳудуднинг ер ва иқлим шароити қовун етиштириш ва сақлаш учун қулай. Маҳалладаги деярли ҳар бир хонадонда махсулот сақлаш учун жой ҳозирланган. Табиий жиҳозлар, оддий деворлар билан ўралган хоналар махсус устунлар ёрдамида йўлақларга бўлинган. Хона хароратини мўътадиллаб туриш учун ҳаво йўлақлари — туйнуқлар очилган. Ҳаво совиб кетса, туйнуқлар беркитилади.

Бу усул махсулотни ортиқча намгарчиликдан сақлайди. Қолаверса, қовунларни махсус устунларга бир-бирига муносиб тарзда жойлаш деҳқондан алоҳида эътибор ва синчковлик талаб қилади.

— Уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, қовун боғлашга қўмақлашгани чикамиз, — дейди қўшиллардан бири Кариммахон Каримова. — Бир кунда 500-600 дон қовун боғлай оламиз.

Бу 200-250 минг сўм даромад, деган гап. Бунинг ҳам ўзига яраша сир-синоати бор, албатта. Ҳар бир қовуннинг катта-кичиклиги, вазнига қараб қовга билан боғланади. Чунки катта ҳажмдаги қовун кичик қовга билан боғланса, кўтарганда узилиб кетиш хавфи бўлади. Табиий жиҳозлар, оддий деворлар билан ўралган хоналар махсус устунлар ёрдамида йўлақларга бўлинган. Хона хароратини мўътадиллаб туриш учун ҳаво йўлақлари — туйнуқлар очилган. Ҳаво совиб кетса, туйнуқлар беркитилади.

— Андархон қовунлари Бешариқнинг ўзига хос ташриф қўзғозига айланган бежиз эмас, — дейди туман ҳокими Расулжон Жўраев. — Азал-азалдан полизчилик туманимизнинг "Андархон" ва "Собиртепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисининг даромад манбаи бўлиб келган. Бу ердагиларнинг асосий қисми қовунчилик билан шуғулланади. Улар серҳосил экин майдонларини танлашдан тортиб, етиштирилган ҳосилни узоқ мuddат, ҳатто эрта қўқламга қадар сақлашгача бўлган жараёнинг ҳадисини олган. Шу боис,



юртимизнинг барча ҳудудларидаги бозорлар, савдо растрларида Андархон қовунларини йилнинг исталган фаслида топиш мумкин. Кейинги йилларда бу борадаги иш тажрибасини оммалаштиришга эътибор ошди. Турли маънавий-маданий тадбирларда қовун сайиллари ўтказилиб, ҳар бир қовун нави тарихи, таркиби, таъми ва парвартиши ҳақида батафсил маълумотлар тақдим қилиниб, янги тажриба ва ташаббуслар қўллаб-қувватланяпти.

Куннинг илқи кунларида ташкил этилган қовун сайли эсда қоларли воқеа ва ҳодисаларга бой бўлди. Туман ҳокимлиги, вилоят туризм бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган қовун сайлида Марғилон туризм техникуми ўқитувчи ва талабалари, вилоятда фаолият курс таътаган қирғиз, тожик, татар, турк, рус, немис миллий маданий марказ ташаббуси иштирок этди. Улар хонадонларда бўлиб, қовун етиштириш аротехникаси, саралаш, сақлаш ва даромад топиш амаллари билан яқиндан танишди.

— Андархон қовунлари ҳақида кўп эшитганман, — дейди сайил иштирокчиси, Қирғиз миллий маданий маркази фаоли Метинбой Каримов. — Лекин ҳалол меҳнат ортидан кўнунинг қорига яраётган миришкорлар юмушлари, иш амаллари ҳақида етарли маълумотга эга эмасдим. Қовун сайли бу қизиқарли жараёни ўзида мужассам этгани билан эътиборимизни тортиди.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Шерзод Қорабоев олган суратлар.





МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ВАТАН ТАРИХИНИНГ ЧАРОҒОН ЮЛДУЗЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори, таниқли тилшунос олма Раъно САЙФУЛЛАЕВАНING "Ўзбек жадидлари асарларида миллий тараққиёт тамойиллари" рисоласи Индонезияда индонез ва инглиз тилларида чоп этилди.

катта амалий аҳамиятга эга. Мустақиллик туғайли биз бутунлай янги ҳаётга, бутунлай янги жамиятга қадам қўйдик. Зеро, жамиятни янгилаш инсон тафаккурини янгилашдан бошланади.

томонлама баркамол шахслардан бири эди. У миллий журналистика, миллий адабиёт, миллий таълим билан бир қаторда миллат оналарининг маърифатли бўлишига ҳам жиддий эътибор берди.

эмас, балки бир оиланинг фожиаси қаламга олингани билан ҳам жамоатчилик эътиборини тортади. Ота-оналар билан болалар ўртасидаги ғоят жиддий, нозик, қалтис муносабатлар, зиддиятлар, турлича ёндашувлар таълим-тарбиянинг долзарб масаласи тарзида талқин этилади.

Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори



Оналар башариятнинг тарбиячиларидир

Истиқлол ўзбек халқига қалб овозиди, сўз эркинлиги, адолатли жамият барпо этиш орузи билан бирга, жадидлар меросига миллий уйғониш омилли сифатида қарашни ҳам ўргатади.

Жадидларнинг қатор асарлари ва даврий матбуотдаги мақолаларида, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий ташкил этган "Ойна" журналида оила масаласига жиддий эътибор берилган.

Миллий онгни уйғотиш ҳам, миллий ўзлик туйғусини синдириш ҳам оиладан бошланади. Оила миллий қадриятларни асраб, авлоддан-авлодга олиб ўтувчи манба сифатида ҳам нихоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги зўғаришлар даврининг ўта қалтис, зиддиятли босқичларида Абдулла Авлоний "Қизлар билим олишига ҳаммадан кўпроқ интилиши лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлоднинг тарбиялайди", деган ўта муҳим, ўша давр учун ўта қалтис масалани дадиллик билан ўртага ташлайди.

Миллат истиқболи қайғусида бўлган Бехбудий маънавият фидойиси сифатида ёшларни илм олишга даъват қилар экан, бу мақсадлар амалга ошиши учун оналар хисса қўиши кераклигини қайта-қайта таъкидлайди.

Муаллим жаҳолат тўрига ўралган миллат ёшлари учун ягона нажот илмда, оила маънавиятида, деб билади. Бехбудий аёллар маърифатли бўлиши, қизлар мактабда тахсил олиши, мактаб тарбияси билан оила тарбияси узвий бирликда олиб борилиши лозимлигини, акс ҳолда, катта фожияларга сабаб бўлишини қайта-қайта таъкидлайди.



эркинлиги, халқ овозиди, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садқот ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид болаларимиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим.

Тарих — улкан, залворли китоб. Унинг тош бостирилган саҳифаларини ўқиган сайин инсоният бугуннинг қадрига етади, эртанги истиқболи ҳақида оруз қилади.

Илму санъат-ла жаҳон айвонидур ойинабанд, Сан ётар беғам қаро уйда, бу зиндонни унут. Маърифат бозорида молине сотолмайсан, ғариб, Эски чигрик, эски чарху эски дўконни унут.

Ягона нажот илмда, оила маънавиятида

Муборак ҳадисларда ёзилишича, бешикдан қабрга қадрар илм изламоқ фарздор. Шарқда оила ўз қонунлари, қоидалари ва батақорр миллий қадриятларига эга қўғрон ҳисобланган.

косибнинг аъмоли тўйдур. Ўзи роҳат юзини кўрмайдир. Кеча-кундузи, 18, балки 20 соатни меҳнатга ўтқартургон косибларимиз бехдор... Ун ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва худодан ўғил тилар, тўй қилмоқ учун.

Маърифатпарвар олим оилани илк тарбиянинг ўчоғи, аёлни оилани асровчи асосий шах деб билади. 1915 йилда нашр этилган "Оила" китобида унинг ҳуқуқий ва маърифий қарашлари янада тақомиллашди.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Сурхондарёнинг шимоли-шарқий ҳудуди... Бу жойлар Денов. Қадимда Чоганиён беқлиги бўлган маскан XVII асрдан бошлаб "Дехи нав", яъни янги қишлоқ номи билан ҳозирга қадр сақланиб қолган.

3000 ёшли Сунбула

ЎТМИШ ВА БУГУН УЙҒУНЛАШГАН ТОҒ БАҒРИДАГИ ҚИШЛОҚ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Сина қишлоғининг Ушор маҳалласида неча асрлар олдин табиий ҳосил бўлган ҳовуз бор. Айтишларича, балиққа бой бўлган сув сира қурмайди. Маҳаллий аҳоли эса унинг балиғини емайди.



Атрофи тоғ, тепаликлар билан ўралган тарихий Сина қишлоғи кенгликларини моҳир ошпазлар тайёрлаган таомлар ифори тутайди. Яқинда бу ерда Термиз шаҳри ва туманлар ҳудудларига хос тансиқ таомлар қўғғазмаси бўлди.

мазкур қишлоқ аҳлини иш билан таъминлаш ва янги лойиҳаларига далда бериш учун гастрономик туризм ривожига катта эътибор қаратилса, яхши бўлар эди.

Қишлоққа борган инсон борки, Нозим ака сомсахонасида меҳмон бўлмай ўтиб кета олмайди. 1996 йилдан буён шу иш билан шуғулланган келаятган Нозимжон Мухабатов пиширадиган сомсанинг талабгорлари бисёр.

Сина қишлоғида Сунбула зиёратгоҳи бор. Тоғ бағридан табиий тарзда чиқаётган булоқ сувлари бирлашиб, тош оралаб жилға бўлиб оқайди.

Синалик қўлигул ошпазлар авлоддан-авлодга ўтиб келаятган нафис хунарларини, ўнб, сомса, патир ва шу ҳудудга хос бошқа таомларни тайёрлаш жараёнини кўрсатди.

Хориждан келаятган ва маҳаллий сайёҳлар тоғ бағридаги 3000 ёшли Сунбула булоғидан сув ичиб, миллий руҳда безатилган хонадонларда қўлигул ошпазлар таомларидан баҳраманд бўлишса, деймиз.

Мастура ҲАМРОЕВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими мутахассиси



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.